

## Ким нимани яхши кўрар?

Муаллиф:

20.02.2014 17:55 -

---



Эхтимол, бизнинг халк илму маърифатни, тарбия ва таълимни, хунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўилайдургондурсиз? Йўк, бу фикрингиз ёнглиш. Эшонларимиз тоат ва ибодат, панду насихат, зикру тасбех ўрнига тўйлардан тўн кюб, кўб ошаб, кўп ухлашни яхши кўрурлар. Уламо-ларимиз дарсу таълим ўрнига, бир-бирлари ила ўрун тала-шиб, мукаррир ва мударрис бўлишни, ўзлари бўлолмайдик колсалар, эшикма-эшик юруб сайловни бузишни яхши кўрурлар. Имомларимиз, халойикга ваъз ва насихат ўрнига, тўй ва жанозаларда юруб, жома кийишни яхши кўрурлар. Бойларимиз орка-ўнгарига карамасдан, фонда ва зарар-ларини ойирмасдан бир-бирларига ракобат киламан деб, «бонка» ва «кредит»ларини кўпайтуруб, дўффилари тор келганда рус ва яхудийларнинг молларини букуб-синиши-ни яхши кўрурлар. Мўйсафидларимиз намоз ва ниёз ўрнига, масжид эшигига йигилуб ўтуруб, хар кимни гийбат ва шикоят килишни яхши кўрурлар. Муаллимларимиз бир-бирларидан кизгонишуб, болаларни арзон ўкитаман деб, бир ўзларига юз, юздан ортук бола йигуб, ўзлари тўй ва маъракаларда болаларнинг умрини бекор ўтқаришни яхши кўрурлар. Савдогарларимиз: «Тўйликни тўйи ўтар, тўйсизни куни ўтар» деган сўзга амал килмай, кайси махаллада тўй бўлса, дастурхончилик килишни яхши кўрурлар. Муаз-зинларимиз азонни яхшилаб адойи махраж килуб айтишни ўрганмай, бир жойда тўй бўлуб колса, «Фалончини-га ошга-хо!» деб кироат ила кичкиришни яхши кўрурлар. Дўкандорларимиз ишларини тартиб-ла солмай, замонага мувофик иш юритмай, Маллахон замонидан колгон эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар. Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб кизларига мол килмакни яхши кўрурлар. Оталаримиз бола-ларига ўкутмак ва таълим бермак ўрнига «Ўглум эмди каттакон йигит бўлдинг, шунча ўкуганинг етар, пул топ!» — деб «ташишка» — хаммоллик килдиришни яхши кўрурлар. Ко-сибларимиз бир-биридан молларини арзон сотаман деб, тезгина йиртиладургон, тикишлар ундан уруб, мундан чикон, сувни етти чакирим ердан чакирадургон махси ва этик-лар тикуб, сотишни яхши кўрурлар. Заргарларимиз йигир-ма тийинлик кумуш, ўн тийинлик тилло орасига мум ва сакичлар жойлаб, исмини киз хайрон, зебигардон кўюб беш-ўн сўмга сотишни яхши кўрурлар. Табибларимиз дол-чин, занжабил, хуббул малик, филфил каби бир неча ат-торни кутисида йўк нарсалардан мураккаб дору ва маъ-жунлар ясаб, бечора нодон халкни пулини олишни яхши кўрурлар. Машшок ва хофизларимиз тўй ва базмларга бир мардакни(нг) исмини бачча кўюб, ўзлари ила баробар олиб юруб, «миллий адабиёт» ўрнига «Хоним ялола, бегим яло-ла» деб баччага ташланаётган пулларни бўлуб олишни яхши кўрурлар. Саводхонларимиз жарида ва журналлар, тарих ва рўмонлар ўрнига Дакёнус замонидан колгон, хурофотлар ила тўлгон «Андог урдиларки, гард-гард бўлуб кетди», деб лофлар ёзилгон китобларни огизларини куфуртуруб ўкумок-ни яхши кўрурлар. Йигитларимиз миллий мажлис ва

## Ким нимани яхши кўрар?

Муаллиф:

20.02.2014 17:55 -

---

сух-батлар ўрнига тўкма ва самаварларда, раста ва дўконларда ўлтуруб, «Фалончининг ўгли хўб яхши бола бўлубдур, кеча фалончининг меҳмонхонасига камаб, кийкиртируб базм килдук. Эмди фалончининг ўглини(нг) хам бир базм кил-сак, дунёдан армонсиз кетар эдук» деб, исломиятдан узог инсоният номига ярашмаган ишларни килмок ва сўзлаш-мокни яхши кўрурлар. Ёшларимиз илм ва маърифатли бўлишни, хунар, санъат ўргонишни ўрнига, ўзларига зеб беруб тор шим ила калта камзул, котирма ёкаларга бино кўйишни яхши кўрурлар. Ишчиларимиз илм ва хунардан махрумлиги сабабли бошка миллатлар илму маърифатлари соясида кунига 4—5 сўм ишлаб турган бу замонда кунига уч тангага мардикорликни, ойига ўн беш сўмга коровуллик-ни, йигирма сўмга фанар ёкишни, ўн сўмга кўнка йўлини тозалашни ва шуларга ўхшаш энг паст ва огир хизматларни яхши кўрурлар. Болаларимиз оталаримизнинг илм кад-ин билмаган, илм учун пулни кўзлари киймаганлик сабабли ўкумок ва ўрганмок ўрнига «Ох пул, жоним пул», -деб «ташишка» - хаммолликни яхши кўрурлар. Мухаррирларимиз кўб-кўб окча олиб, оз-оз ёзишни яхши кўрурлар. Муштарийларимиз фойдали маколалар ўрнига хабарларни яхши кўрурлар. Думаларимиз мажлисга келуб, устулга суё-уб фарогат килуб тургон вақтларида, бир тарафдан каттигрок товуш чикса чўчиб уйғонишни яхши кўрурлар. Шоирларимиз миллий шеър ва адабиёт ёзишни ўрнига му-вашшахми ёки «кошингдан, кўзингдан», - деб, жавонларни мактаб фасод ахлокга сабаб бўладургон шеърлар ёзишни яхши кўрурлар. Аммо мен бўлсам, хозирги замонда индамасдан туришни яхши кўрурман.

Абдулла Авлоний